ИҚТИСОДИЁТ СОХАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Р.Имомов

В статье рассматриваются проблемы профилактики правовых преступлений путём безнасильственного хищения в свете проводимых в настоящее время судебно-правовых реформ.

In this article are considered the problems of preventive maintenance in legal crimes by violent plunder in light of spent now judicial -legal reforms.

Мамлакатимизда иқтисодий қайта қуриш ва уни ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги даврда жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан баркамоллаштириш, уларнинг билим ва маданий савиясини ошириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сўз юритилаётган мавзу иқтисодий соҳадаги жиноятлар бўлиб, бу соҳадаги жиноятчиликнинг олдини олиш учун биринчи галда ишлаб чиқаришни замонавий технология асосида ривожлантириш, унинг мақсадга мувофиқ структурасини ва самарали инвестиция стратегиясини амалга ошириш, мулк тақсимотини адолатли ҳал қилиш, миллий валюта ва бутун молия тизимини мустаҳкамлаш, инфляцияни камайтириш ва иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантириш талаб қилинади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифалардир”, - мавзусида қилган маърузасида “Ҳеч кимга сир эмас – биз қураётган янги жамият ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ”, - деган эди[1;5].

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш орқали жиддий мувафаққиятларга эришилганлигига қарамасдан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларида камайиш юз бермаётганлиги ҳали бу борада анчагина амалга оширилиши керак бўлган вазифалар турганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўкис таъминланадиган ҳуқуқий давлат, эркин фуқаровий жамиятни барпо этишдан иборат экан, шу мақсад йўлидаги вазифаларни амалга оширишга маълум даражада жиноятчилик, шу жумладан, иқтисодий жиноятлар тўсиқ бўлиб қолаверади. Боз устига, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз бераётган бир шароитда мамлакатимизда коррупция ва иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ғоят муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида: “Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатлардан ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув оҳир-оқибатда ўзини тўла оқлади” [2;8], - деб ёзадилар.

Ижтимоий тузумнинг ўзгариши, мулкчилик шакллари ва иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари қарор топиши иқтисодиётда жиддий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келди. Собиқ Иттифоқ давридаги иқтисодий муносабатлар шароитида жамият аъзоларида боқимандалик кайфияти шаклланиб қолганлиги, аксарият кишиларимизда экстремал вазиятларда ва янгиланган иқтисодий муносабатлар шароитида яшаш кўникмасининг ҳосил қилинмаганлиги оқибати ўлароқ Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн йиллигида аҳолининг иқтисодиётни янгича бошқарилишига етарлича тайёр эмаслиги **ғайри қонуний иқтисодий ҳулқнинг тарқалишига** олиб келди. Янги иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи кадрларни касбий қайта тайёрлаш соҳасидаги жиддий камчиликлар, иқтисодиётни бошқаришнинг янги тизимини жадал қарор топтириш масаласини тез фурсат ичида ҳал қилишнинг иложи бўлмаганлиги айрим фуқаролар шахсида жиноий хулқнинг ривожланиб кетишига олиб келди.

Боқимандалик кайфияти сингдирилган собиқ Иттифоқ давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсиридан энди қутула бошлаган аҳоли онгининг янги шароитга мослашуви анча қийин кечди. Собиқ Иттифоқ даврида мустамлака сиёсати манфаатларини кўзлаб иттифоқдош республикаларни бир-бирига зўракилик билан чамбарчас боғлаб ташлаган иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолгани, жаҳонга юз бурилган бир вақтда эскириб кетган технологиялари билан рақобатга яроқсиз бўлиб қолгани туфайли кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг тўхтаб қолгани ишлаб турган минглаб мутахассисларнинг ишсизлар гуруҳига тушиб қолишига сабаб бўлди. Мамлакатдаги бундай ҳолат ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларининг кўпайишига сабаб бўлди. Эскича қарашлар таъсирида яхши турмуш шароитини яратиб бера оладиган, миллий ғурурни таъминлай оладиган иқтисодий шаклланишнинг янги тизими, тадбиркорлик ва унинг мақсад-моҳиятини нотўғри тасаввур қилиш жамиятнинг ахлоқий-руҳий бирлигига маълум даражада салбий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Ҳар қандай қасддан жиноят содир этувчи шахс жиноий қилмиши орқали муайян мақсадга эришишни кўзлайди. Юзага келган ҳолатда янги иқтисодий муносабатлар шароитидан имкон қадар катта фойда билан чиқиш, ўзларининг жамиятдаги мақомини кўтариш, ҳокимиятга эришиш каби ғараз мақсадларни кўзлаган шахсларнинг фаоллашуви табиий ҳодиса эди. Ҳатто, бундай кимсалар кўзланган мақсадларига жиноят йўли билан етишдан ҳам тоймайдилар. Иккинчи томондан, жамиятнинг қуйироқ поғоналарини эгаллаган кишиларда ҳам умум мулкидан ўзига яраша, кичикрок бўлса-да улуш олиб қолишга интилиш ҳам кучайди. Ўтиш давридаги бундай ҳолатлар ҳақида рус олими В.Н.Кудрявцев: “Одам ўлдириш, одамларни ўғирлаш, одамларни сотиб олиш, террорчилик, туҳмат қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳоказо жиноятлар сиёсий мақсадга эришишнинг воситалари сифатида фойдаланиш ҳозирги даврдаги ҳақиқатдир”[3;8] , - деб ёзган эди.

Иқтисодий жиноятларнинг авж олиши бунинг учун қулай шароит юзага келганда кузатилган экан, уларни бартараф қилиш ҳам, аввало, ўша шароитни ўзгартириш, умумий иқтисодий қонуниятларига мувофиқ равишда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги зиддиятларини ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, бундай ҳолатда яна жиноят содир этган шахсларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб жазо тайинлаш ҳам ғоят муҳим ҳисобланади. Шунинг учун судлар жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддаси талабларига тўла риоя қилишлари ва жазонинг мақсадига эришишни назарда тутишлари керак. Бу ҳам жиноят содир этиш шароит ва сабабларини бартараф қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларни либераллаштириш ҳақида”ги Қонун, мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳам жиноятлар содир қилинишининг олдини олишда жуда катта манба бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, янги ижтимоий тузум ижтимоий муносабатларининг шаклланиши зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларида ҳам камайишига олиб келиши муқаррардир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.5

2. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.8

3. Дубинин Н.П., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н. генетика, поведение, ответственность. – М.: Изд-во Политической литературы, 1998. –С.8

Андижон давлат университети,
2009 йил 2 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ғ.Эрматов)